

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**Бехбудий маърифатпарвар адиб**

Методик-библиографик қўлланма

**ТОШКЕНТ-2004**

**78.342**

**Б 65**

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

Тузувчи

Г.Ахмедова

Мухаррир

Ҳ.Маматраимова

Масъул муҳаррир

А.Турсунов

Матн терувчи

З.Джалилова

**Б 65**

Бехбудий маърифатпарвар адиб:  
Методик-библиографик қўлланма /Тузувчи:  
Г.Ахмедова; Масъул муҳаррир: А.Турсунов.-Т., 2004.-35 б.

Сарлавҳада: Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

Халқимиз истиқболи ва маърифати йўлида катта ишларга қўл урган, бу йўлда қатағонликка учраган маърифатпарвар адиб Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва ижодий меросини чуқур ўрганишда, асарларини тарғиб қилишда кутубхоначиларга ёрдам бериш мақсадида тузилган ушбу методик-библиографик қўлланмада Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва ижодий фаолияти, унинг айрим алоҳида асарлари ҳақида маълумотлар, кутубхоналарда Бехбудий асарлари бўйича тадбирлар ўтказиш учун маслаҳатлар, анжуман дастурлари берилган.

**ББК 78.342+83.3 (56)**

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси

Қолмас жаҳон ичра мангу киши  
Фақат қолгуси яхши ному иши.

Алишер Навоий

## МУҚАДДИМА

Кўп йиллар давомида ўзбек халқи орзу этган мустақилликка эришиш натижасида тарихимизни, маданиятимизни ва маънавий ўтмишимизни ўрганишга катта имкониятлар яратилмоқда. Қатағонликка учраб, ҳалок этилган кўпгина зиёлиларимиз мустақиллик шамоли туфайли қайтадан ҳаётга қайтарилмоқда, улар ҳақидаги ҳақиқат юзага чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов истиқлолга эришган дастлабки вақтлардаёқ «асоссиз тарзда қатағон қилинган кишиларнинг орномуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни» биринчи галдаги бурч деб билган. Мана 12 йилдирки, ана шу ғоя ҳаётимизда, воқелигимизда тўла-тўқис, беками - кўст амалга оширилмоқда.

Барчамизга маълумки, совет тоталитар тузуми ватанимизда ўзининг келажакда мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш учун ўзбек халқининг зиёли фаол фуқароларини, маънавий бой маданиятини батамом йўқ қилиш мақсадида уларни турли сабаблар билан ўлимга маҳкум этган, қатағон қилган. Ўша даврда баъзи кутубхона раҳбарлари ва ходимлари, маданият арбоблари, ҳам сабабсиз сўроқ қилиниб, миллатчи деб қатл қилинган. Улар: Тошкент вилоят «Турон» кутубхонаси директори Раҳмадjon Ибрагимов, директор ўринбосари Акбар Долимов ва Асад Убайдуллаевлардир. Уларни 1941

йилнинг ноябрь ойида аксил инқилобий фаолият юритган деб қамаганлар. Қатағонга учраганларнинг аянчли қисматлари, ноҳақ қурбонлар минг-минглаб ўзбек миллатининг шоиру-ёзувчилари, фозилу-фузалолари ҳаёти, ўзбек халқининг миллий маданий цивилизациясига салбий таъсир қилди.

Бу сиймолар тўғрисида қанчадан-қанча баҳслар бўлиб ўтмади. Уларнинг халқимизга, давримизга ётлигини тасдиқловчи қанчадан-қанча «далиллар» келтирилмади.

Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди деганларидек, бугун улар самандар сингари яна пайдо бўлиб, кўплаб маданий меросимиз жонқуярлари диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Улар тўғрисида қатор китоблар ва мақолалар чоп этила бошланди.

Бу адабиётларни кутубхоналарда кенг тарғиб қилишда кутубхона ходимлари ушбу мавзу бўйича китобхонлар конференцияси, адабиётлар кўргазмаси, давра суҳбати, савол-жавоб кечаси, мавзули ва мунозара кечалари, китоб тақдимути, илмий-амалий конференциялар каби турли хил тадбирлардан фойдаланишлари мумкин.

Ана шу ноҳақ азият чеккан, қурбон бўлган ўзбек зиёлиларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудийдир.

Маърифат жарчиси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 120 йиллигига бағишланган қўлланма 1995 йилда чиқарилган эди, мазкур қўлланма эса юқоридаги қўлланманинг қайта ишланган ва тўлдирилган нашридир.

Ушбу методик қўлланма маърифатпарвар адиб Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини тарғиб қилишда кутубхоналарда китоб

кўрғазмаларини тайёрлаш, адабий кечалар, китобхонлар конференциялари каби оммавий тадбирлар ўтказиш бўйича маълумотларни, методик тавсияларни ўзида акс эттирган.

Тавсиянома кутубхоначиларга, китобсеварлар кўнгилли жамияти ходимларига, тарғиботчиларга ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни тўғрисида»ги фармони**

Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг кадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри ҳазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай минг-минглаб фидойи ва матонатли ўғил-қизларининг хотирасини эслаш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини тарбиялаш мақсадида:

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси фаоллари, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари-нинг мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили 31 август куни - Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик кенгаши, «Шаҳидлар хотираси», «Нуроний» жамғармалари, Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси ва ижодий уюшмаларга бир ой муддатда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилсин.

Бу йил мамлакатимизда илк бор ўтказиладиган Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига пухта тайёргарлик қўриш ва маросимни юксак даражада ташкил этиш мақсадида тузилган комиссия таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини сайёҳлик йўналишлари рўйхатига киритиш, зиёратгоҳ ҳудудини янада ободонлаштириш ва бу ерда махсус радиолаштириш тизимини жорий этиш масаласини ҳал этсин.

Ўзтелерадиокомпанияси, ЎЗА ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қатағон қурбонларини ёд этиш кунининг маъно-мазмунини ва тарбиявий аҳамиятини кенг тарғиб қилиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти И.Каримов  
Тошкент шаҳри, 2001 йил 1 май

## **Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ҳаёт йўли (1875-1919)**

Чоризм босқини ва совет мустамлакачилиги даврида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида мустамлакачилик ва мустабид тузумга қарши халқимиз асл фарзандларининг олиб борган кураши, ҳаёти, тақдири ва қисматини ўрганиш, тарихимизнинг бу оғир, аламли саҳифасини ёритиш буюк истиқлолимиз туфайли амалга ошмоқда.

Асоссиз қамалиб, жиноий жавобгарликка тортилган кишилар орасида партия, совет, хўжалик ходимлари, ҳарбийлар, зиёлилар ва колхозчилар жуда кўп эди.

Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси раиси, профессор Наим Каримовнинг айтишича, ҳозирга қадар республикаимиз бўйича 100 мингдан ортиқ киши қатағон қилингани, шундан 17 минги отилгани аниқланган.

Қатағонлик йиллари бегуноҳ азият чеккан ватанимизнинг бир қатор асл фарзандлари номи оқланди. Мана шу машъум давр қурбонлари бўлган адабиётимиз намоёндалари-Усмон Носир, Зиё Саид, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва бошқалар халқ душмани дашноми остида қамоққа олиниб, қатл қилинган. Улардан бири XX аср тонгида Туркистон халқларининг мустақиллиги учун бошланган жаҳидчилик ҳаракатининг қарвонбоқиси Маҳмудхўжа Бехбудийдир.

Туркистон жаҳидчилик ҳаракатининг бонийси, буюк маърифатпарвар адиб, драматург, публицист, дин ва жамоат арбоби, янги ўзбек маданиятининг асосчиси Маҳмудхўжа Бехбудий 1875 йили Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида муфтий оиласида дунёга келган.

Отаси Беҳбудхўжа Солиқхўжа ўғли туркистонлик Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан, она томондан бобоси Ниёзхўжа урганчлик бўлиб, амир Шохмурод замонида Самарқандга келиб қолган.

Беҳбудхўжа ислом ҳуқуқшунослиги бўйича йирик мутахассис бўлиб, бу борада кўплаб китоб ва рисоалар яратган. Беҳбудийга отаси ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, зиёлилар оиласидаги муҳит ундаги адабиётга, сиёсатга, маърифатга бўлган қизиқишини оширади.

Беҳбудийнинг отаси имом-хатиблик билан шуғулланиб келган Беҳбудхўжа 1894 йилда вафот этади. Ёш Маҳмудхўжа тоғаси қози Муҳаммад Сиддиқнинг тарбия ва қарамоғида ўсиб вояга етади. Араб сарфу нақвини кичик тоғаси Одилдан ўрганади. 18 ёшидан қозихонада мирзолик қила бошлайди. Беҳбудий дастлаб Самарқанд мадрасасида, сўнгра Бухорода яхшигина таҳсил кўрган.

Анъанавий мадраса илмини пухта эгаллаган Беҳбудий 1915 йилда этнограф Г.Андреев саволларига жавоб берар экан, мадраса таҳсилини алоҳида тилга олгани маълум. Хуллас, анъанавий таҳсил, сўнг эса ўз устида қунт ва сабот билан ишлаш орқали у шароитнинг юксак мақомлари - қози, муфти даражасигача кўтарилади. Ёш Маҳмудхўжа дунёқарашининг шаклланишида Русия жаҳидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспралининг хизмати катта бўлган.

Шарку Ғарбнинг тарих ва маданиятини чуқур билган, араб, форс тиллари билан бир қаторда инглиз, немис, француз тилларида ҳам эркин сўзлаша олган бу киши 1881 йилда рус тилида «Русия мусулмонлиги» китобини ёзади. Бу китобда у, Русияда яшовчи барча мусулмонларнинг ўзлигини сақлаб қолиш йўли битта, у ҳам бўлса, маърифат орқали мамлакатнинг ижтимоий,

сиёсий, маданий ҳаётига тенгма-тенг аралашишга эришмоқдир, деган фикрни илгари суради. Бу йўлдаги биринчи қадам «усули жаид», «усули савтия» номлари билан тарихга кирган янги мактабларни ташкил қилиш бўлди.

«Ал-он Русиядаги минглар ила низомлик мактаблар ва собиқ нашр бўлган ва ҳозир фаълан нашр бўлуб турган юзлар ила исломий мажалла ва жаридларнинг барча муҳаррир ва муридлари ул зоти сутуда сифотни шогирдларидурлар»\*, деб ёзган эди Бехбудий 1914 йилда.

1884 йилда Исмоилбекнинг машҳур «Таржумон» газетасига обуна бўлган 1000 кишининг 200 таси Туркистондан эди. Исмоилбек 1892 йилда Туркистондаги мактабларни ислоҳ қилиш, «усули савтия»ни жорий этиш таклифи билан генерал-губернатор Н.О.Розенбахга мурожаат этди. Жавоб ололмагач, 1893 йилда Тошкентга келади, Самарқанд, Бухорода бўлади. Маҳаллий халқ билан гаплашиб, дастлабки янги усул мактабларини очишга муваффақ бўлади. Сўнг 1897 йилда яна Туркистонга келади.

Барча нарсага қизиқувчан Маҳмудхўжанинг Яқин ва Ўрта Шарқда номи танилган Исмоилбек Гаспралининг Туркистон сафарларидан беҳабар қолиши қийин эди. Тўғри, Исмоилбек Туркистонда очиб кетган янги мактаблар узок давом этмади, ғайришаърий сифатида мутаассиблар томонидан ёпилди. Лекин «Таржумон»нинг муштарийлари кўпайиб борди. Устоз-шогирд муносабатлари самимий дўстликка айланди. Бехбудий ўз хотираларида устоз билан учрашувларини ихлос ва

---

\* «Ойна».-1914.-50-сон.-Б.187.

муҳаббат билан тилга олади. 1899-1900 йилларда Маҳмудхўжа Бехбудий Бухоролик дўсти Ҳожи Бақо билан ҳаж сафарига чиқади. «1318 санаи хижрияси тавофи Байтуллоға Кавказ йўли ила Истамбул ва Миср ал - Қоҳира воситаси-ла бориб эдим. Муддати сафарим саккиз ойдан зиёда чўзилуб эди», деб ёзади Бехбудий бу ҳақда. Унинг дунё кўриши изсиз кетмайди. Сафар янги мактаб ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайди. Унинг ташаббус ва ғайрати билан 1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи қишлоқларида янги мактаблар ташкил топади. Адиб ушбу мактаблар учун дарсликлар тузишга киришади. Кетма-кет унинг «Рисолаи асбоби савод» (1904), «Рисолаи жуғрофияи умроний» (1905), «Рисолаи жуғрофияи Русий» (1905), «Китобат ул-атфол» (1908), «Амалиёти ислом» (1908), «Тарихи ислом» (1909) каби китоблари пайдо бўлади. 1903 йилда Ҳалвойида қурилган мактаб биноси ҳозир ҳам сақланиб келмокда. Шакурий мактабини эса Бехбудий 1908 йилда Самарқандга ўз ҳовлисига кўчириб олиб боргани маълум.

Тошкентда, Фарғона водийсида янги мактаблар ташкил топа бошлайди. Ибрат, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Сўфизода номлари тилга тушади. Булар ҳали кифоя эмас, миллат болаларини тараккий топган шаҳарларга ўқишга юбориш керак. Мирмуҳсин Шермуҳамедов ва бир қатор ўзбеклар марказий Русияга - Уфадаги «Олия» мадрасасига йўл оладилар.

«Олия»да ўндан ортиқ ўзбеклар ўқийдилар, 10-йилларда Варшавада, Олмонияда, Москва, Петербургда ўзбеклар ўқигани маълум. Маҳмудхўжа Бехбудий 1903-1904 йилларда Москва, Петербургга боради, 1906 йилда Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Булар саёҳат эмас, хизмат сафари эди. Нижний Новгородда 1906 йилнинг 23 августида Русия мусулмонларининг турмуш

ва маданияти муаммоларига бағишланган курултой чакирилади. Бехбудий бу курултойда туркистонликлар гуруҳини бошқаради ва катта нутқ сўзлайди. 25 кунга чўзилган бу сафар ҳақида Бехбудий шундай маълумот берган эди: «1325 санаи ҳижриясинда Русия мусулмонларининг мухтарам зиёли ва акобирларининг Нижни Ёрминкасинда миллий ишлар тўғрисида машварат қила турган мажлисга мушарраф бўлмоқ учун Ўрунбург йўли ила Маскуф, Петербург, Қозон воситаси-ла Нижни Новагўруд бориб эдим»\*.

Дунёвий тараққиётни англаб етган Бехбудий Туркистонда ҳам янгиликни кенг жорий этиш, янги мактаблар ташкил этиш, халқни ўзлигини англаши ҳамда иқтисодиёти яхшиланиши учун нималар қилиш кераклиги ҳақида матбуотда чиқишлар қила бошлади. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг Туркистон мактаб маорифчилигидаги хизматлари ғоят катта эди. Бехбудий Туркистонда жадидлар ҳаракатининг етакчи вакилларида бири сифатида саводсизлик, жоҳиллик, колоқлик, маданиятсизликка қарши қизғин кураш олиб боради. Бехбудий нашриётни ташкил этиб, унда ўзбек тилида дарсликлар «Туркистон, Бухоро ва Хива ҳаритаси»ни босиб чиқарди. Самарқандда у маҳаллий аҳоли учун кутубхона ва қироатхона очишга бошчилик қилди. Бехбудий ўз кутубхонасини ва атрофидаги зиёлиларни илмий-адабий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар билан таъминлар эди. Шу боис саёҳатга борган жойларидан кўплаб китобларни сотиб олиб келарди.

---

\* Бехбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар.- Т.: Маънавият. 1999.-Б.10.

Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмайди. Бу Беҳбудий келган биринчи хулосалардан эди. Беҳбудий истиқлол ҳақида фикр юритар экан, ҳар қандай зўравонликни рад этди. Унингча, зўравонлик ғайриахлокий, бинобарин, ғайриинсонийдир. Умуман олганда эса мустақиллик учун кураш олиб борган боболаримиз, жумладан, жадидлар келажак ҳақида фикр юритар эканлар, истиқлолга эришиш борасида бир-бирларидан фарқ қилувчи уч йўлдан бордилар:

1. Русияга тобеликдан зўрлик йўли билан кутулиш, куч билан истиқлол олиш (Дукчи эшон қўзғолони, 1916 йил воқеалари, босмачилик).

2. Муроса йўли. Руслар ёрдамида маърифатга эришиш. Маърифат масаласида ҳақ-ҳуқуқ олиш, миллий хусусиятларини тиклаш (Исмоилбек Гаспдали, Маҳмудхўжа Беҳбудий).

3. Ҳамкорлик йўли. Чор маъмурлари, сўнгра эса Шўро ҳукумати билан бирга уларнинг программаларида қатнашиш ва имкон бўлиши билан мустақилликни қўлга олиш. Бунинг учун маълум тайёргарлик кўриб бориш (Мунаввар қори, Ҳамза, Абдулла Авлоний).

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳамиша халқ билан бирга бўлди.

Ватан тақдири кун тартибига қўйилган 1917 йилнинг 16-23 апрелида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг 150 вакили иштирок этган ўлка курултойида ҳаяжонли нутқ сўзлади. Миллатни ўзаро ихтилофлардан воз кечишга, буюк мақсад йўлида бирлашишга, иттифоқ бўлишга чақирди. У ҳақ эди. Мустамлакачилар «50 йил илм-маърифатдан четда сақлаб келган»лари Туркистонни осонлик билан қўлдан чиқармас эдилар. Фитна ва иғво тинимсиз давом этар

эди. Шундайлардан бири 1917 йилнинг баҳорида Бухорода юз берган эди. Амир февраль ўзгаришларини ҳисобга олиб, рус элчихонасининг маслаҳати билан ислоҳот эълон қиладиган бўлади. Ва бу фармонни ушбу элчихонанинг бошлиғи жаноб Миллер тайёрлайди.

Ҳар хил англашилмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида собиқ генерал-губернатор, эндиликда Россия Муваққат ҳукуматининг Туркистон комиссари Куропаткин топшириғига кўра Самарқанд Ижроия кўмитаси Бухорога бир неча кишилиқ ҳайъат юборди. Улар орасида Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам бор эди. 7 апрель ислоҳот эълони олдиндан мўлжалланганидек тантанага, тантана эса фожиага айланади. Амир ва ёшлар, муллалар ва жадидлар ўртасида ўтиб бўлмас чоҳ пайдо бўлади. Миллер бунинг айбини Бехбудийга кўяди. Фақат, Миллер эмас, Тошкентда 9 апрелда бошланган Туркистон Ишчи ва солдат депутатлари советларининг биринчи ўлка съездида айрим рус депутатлари Бухоро фожиасининг сабабини Самарқанддан «ўз ихтиёрлари билан» борган депутатларга тўнкайдилар. Миллатни ичидан қайраш ва низо чиқариш изчил давом этади. Бехбудий мазкур съездда минбарга чиқиб бор воқеани тушунтириб берган ва бу ҳақда «Бухоро воқеалари ва дафъи тухмат» («Хуррият» газетаси, 1917 йил, 1 май) деган махсус мақола ёзган эди\*.

Бехбудийнинг сўнги кунларига бағишланган барча мақолаларда унинг 1919 йил 25 мартда Самарқанддан чиққанлиги, «асрорангиз» (сирли равишда) ғойиб бўлганлиги айтилади. Садриддин Айний у билан сўнги учрашувини шундай хотирлайди: «1919 йил фев-

---

\* Иброҳим Ғафур. «Амир нега Бехбудийга қўл бермади?»  
// Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1994.-6 май.

раль ойида Тошкентга бориб қайтди. Мактаб прўграми ва Тошкентдаги илмий ҳоллар билан Самарқанд муаллимларини таништирмоқ учун муаллимлар мажлисини чақиришга буюрди. Шундан кейин кўчада кўрушуб, мазкур мажлисга нима сабабдан келмаганини, иккинчи мажлис учун қайси кун тайинланса, кела олишини сўрадим. - Ҳозир бир оз хастаман, кайфим ва фурсатим бўлса, хабар берарман, - деди»\*.

Беҳбудийдек батартиб бир зиёлининг ўзи мажлис белгилаб, келмаслиги ва бунга бирор изоҳ бермаслиги, унинг устига кейинги учрашувни ҳам мужмал қилиб қўйиши, чиндан ҳам у билан «асрорангиз» бир ишлар рўй бераётганига ишора қилади. У нимадандур қаттиқ ларзада эканлиги аниқ.

Унинг биографиясида муҳим ўрин тутувчи 1919 йилнинг 25 март санаси айрим манбаларда Беҳбудийнинг Самарқанд сархатидан чиққан куни, баъзиларида эса қатл куни сифатида берилади.

Собиқ «Туркистон мухторияти» ҳукумати вакилларининг жаҳон афкор оммаси олдида чиқиб, Русия большевизмининг ғайрирус мусулмонларини қатл қилиб, миллат сифатида йўқ қилишга қаратилган ваҳшиёна сиёсатини ошкор этишга имкон берилмади. Шўролар ҳукумати амир қўли билан миллатнинг фидойи фарзандини қатл қилди. Сўнгра эса ёшлар ёнида туриб, Беҳбудийга кўз ёши тўкди. Ва ўз мақсадига эришди. Бу билан биринчидан, Амир ва унинг салтанатига ёшларда ғазаб, нафрат уйғотишга муваффақ бўлди. Бу эса, ўз навбатида, Бухоронинг шўролашувини тез-

---

\* Беҳбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар /Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар Б. Қосимовники.-2-нашри.-Т.: Маънавият, 1999-280 б.

лаштирди. Иккинчидан, Шўролар ҳукумати ўзининг душманидан қутулди. Хуллас, бизга ҳозирча барча таҳминларимизга асос бўлиб келаётган Ҳожи Муин Шукрулло ўғлининг «Меҳнаткашлар товуши» газетасининг 1921 йил 29 март сониди босилган ва сўнгра «Инқилоб» журналининг 1922 йил 7 январь сониди қайта эълон этилган «Муфти Маҳмудхўжа ҳазратларининг қандай шаҳид бўлганлиги ва онинг томонидан ёзилган васиятнома» мақоласиди қайд қилинишича, Шаҳрисабзда қўлга олинган адиб таҳминан икки ой ўтгач, шериклари Муҳаммадқул ва Мардонқул билан биргаликда Қаршига келтирилиб, зиндонга ташланади. У ерда ҳам бир неча кун ётиб, сўнгра Қарши беги Тоғабекнинг буйруғи билан зиндон яқинидаги «подшолик» чорбоғида ўлдирилган. Бу таҳминан ёз ойларида тўғри келади. Унинг қатли ҳақидаги хабар ўша пайтдаги пойтахтимиз Самарқандга роса бир йилдан кейин маълум бўлади. 1920 йилнинг апрелида бутун Туркистон мотам тутади. Ўнлаб марсиялар ёзилади.

**Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижоди**

XX аср бошида Туркистон ўлкасида миллий уйғониш даври бошланди. Бу жараённинг бошида жа-  
дид зиёлилари турдилар. Тарихий зарурат ва маънавий  
эҳтиёж тақозоси билан юзага келган мазкур ҳодиса кеч-  
мишида жаҳид адабиёти дастуриламал вазифасини  
ўтади. Айнан шу даврдаги адабиётда янги бир руҳ олиб  
келган ижтимоий шеърят, миллий роман, ҳикоя ва ил-  
мий-публицистик асарлар дунёга келди. Бу асарларнинг  
ҳаммаси миллат онгини юксалтиришга, замонавийлаш-  
тиришга қаратилди. Илло, жаҳидлар олдида қийин, ша-  
рафли, масъулиятли ва зарур вазифа турар эди. Ҳоли  
забун, руҳи сўниқ миллатнинг қадим маданияти,  
иқтисодиёти ва маиший турмуш тарзини тиклаш учун  
аввало уни маърифатли, илмли қилиш лозим эди.

Замонавий илмдан хабарсиз бўлган ҳар қандай  
миллат, ҳар қандай жамият таназзул жафосини тортиши  
тайинлиги боис, жаҳид зиёлилари миллатни бундай  
офатлардан огоҳ этмоқни ўзларига ҳам қарз, ҳам фарз  
деб билдилар.

Мустақиллик шарофати туфайли миллий адабиё-  
тимизнинг кечаги ва бугунги тараққиёти йўлини янгича  
нуқтаи-назардан баҳолаш имкони туғилди.

XX аср тонготаридаги жаҳид адабиёти  
Маҳмудхўжа Бехбудий сингари улугъ ёзувчини етказиб  
берганини жуда холис айтмоқда.

Жаҳидчилик ғояларини тиклаш ва холис илмий  
баҳо бериш учун эса адабиётнинг ўзидан ҳам ўзгариш  
ва янгиланиш талаб этилади.

Жадидчилик аслида миллатнинг миллий кўтарилиши эди. Жадидчиларнинг ўзлари бу қарашларини турли бадиий асарлари қаторида ифода этдилар. Натижада адабиётга жадид образи кириб келди. Давр тазйиқи бу янги қаҳрамон сифатларини тўла очиб беришга имкон бермаган бўлса ҳам, жадидчилик иккинчи даражали персонажлар ёки ёрдамчи образлар воситасида бадиий таҳлил объектига айланди.

Бу энг аввало, жадид адиблари ижодида кўзга ташланди. Жадид ижодкорлари ўз асарларида маърифатчилик ғояларини тарғиб қилиб, ижтимоий шарт-шароитни ойнадек акс эттирдилар.

Ўзбек адабиётида жадидлар образи, аввало, ижтимоий ҳаёт тақозоси ва эҳтиёжи туфайли содир бўлди. Тарихий шароит, ижтимоий воқелик жадид қаҳрамонларининг ҳам «мақсад ва вазифалари»ни белгилади.

«Янгичилик» ёрдамида омма «жакриёт»дан онгли ҳаракатга, оломондан халққа ўсиб чиқди, бирлашди, маънан мустақамланди. Улар ёрдамсиз жамият ҳаётида, халқ аҳволида жиддий сифат ўзгаришлари, рухий инқилоблар юз бериши амри маҳол, мана шу ҳақиқатни биринчи бўлиб англаган ва уни ўз ҳаракатида дастуруламал қилиб олган Маҳмудхўжа Бехбудий ижодкорларимиз бадиий адабиётига жадид образини олиб киришларида қарвонбошилиқ қилди.

Халққа ўз ҳаётини кўрсатиш орқали унинг кўзини очиш жадид адабиётининг мақсади эди. Бу билан жадид адабиёти ҳаётга яқинлашди ва тарбия воситасини бажарди. Маҳмудхўжа Бехбудий XX аср бўсағасидаги Туркистоннинг орзу-армонларидан бири сифатида майдонга келди. У ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаракатларида фаол қатнашган энг йирик намо-

яндаси, янги замон ўзбек маданиятининг асосчиси эди. Туркистон жадиждларининг тан олинган раҳнамоси мустақил жумҳурият ғоясининг яловбардори, янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драмачилигини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист эди. У тарихимизнинг ғоят оғир ва мураккаб бир даврида яшади.

XVI асрдан бошланган инқироз ва турғунлик, жаҳолат ва мутаассиблик авж пардасига чиққан, ўзаро жанжал, маҳаллий уруғчилик низолари миллатни беҳад ҳолдан тойдирган эдики, бу имкондан фойдаланиб ўлкани забт этган Россия зўр бериб, уни турғун ва тутқун сақлашга уринар эди. Мана шундай бир шароитда миллатни бутунлай мавҳ бўлиши ва Ватанни буткул ғорат этилиши хавфидан асраб қолиш, авлодларни эрк ва озодлик, мустақиллик руҳида тарбиялаш, маърифат ва тараққиётга бошлаш жадиждлар номи билан тарихга кирган Бехбудий бошлиқ фидойилар зиммасига тушди.

Тарихимизнинг сўнгги юз йилдан ортиқроқ даврида халқимизнинг энг катта армони бўлиб келган бугунги истиқлол куртаги дастлаб мана шу жадиждлар кўксида ниш уриб етилган эди. XX аср ўзбек маорифи ва маданияти, қолаверса, бугунги мустақиллик тафаккуримиз, эқтимолки, шу жадиждлар олдида бурчлидир.

Жадиждчилик ҳаракати Туркистондаги янги маънавий-ижтимоий юксалишнинг тимсолига айланди. Жадиждларнинг назарий қарашларида иккита муҳим хусусият кўзга ташланади: мустаҳкам ирсий илдиз ҳамда Шарқ ва Ғарб маърифатчилари, файласуфларининг назарий меросини эгаллашга интилиш, улар мамлакатни тараққиёт йўлига олиб чиқишининг гарови Ғарб ва Шарқ маданиятларини уйғунлаштириб, халқнинг кўзини очиш деб билган. Маҳмудхўжа Бехбудий «Тарих

ва жўғрофия» асарида бундай деб ёзган эди: «Дунёга ишонмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарихни ўқумоқ ва билмоқ керак. Дину дунёдан бохабар бўлмоқни хоҳлайдурган ҳар ким учун тарих ўқумоқ керак. Чунки ҳар нимарса ва шунинг асли ва насли тарихдан билинур»\*.

Шу билан бирга, фақат Ватан тарихини эмас, балки Оврўпо мамлакатлари тарихини ҳам билиш, сафарларга бориб, хорижий эллардаги маданият, таълим, давлат қурилиши соҳасидаги тажрибалар билан танишиш жадиидларни юрт тақдири ҳақида чуқур тафаккур қилишга ундади. Худди мана шу зарурат уларни босқинчилик сабабларини англаб етиш, тараққиёт ва мустақиллик сари бориш йўлларини излаб топишга йўналтирди. Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам аввало, таълим ва тарбия соҳасида ислоҳот ўтказиш, илм-фан ютуқлари ва илғор техникани ўзлаштириш, ёш авлодни касб-хунарга ўргатиш каби масалаларни ҳал этиш лозим, деб билган. Шу билан бирга Бехбудий фан ва техниканинг энг илғор ютуқларини ўзлаштириб олмаган миллатлар жаҳон тамаддунидан узилиб қолиб, қолоқ ҳаёт кечирishга маҳкумдир, деган эди.

Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилмасди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ, миллат ва Ватаннинг аҳволидан, кундалик ҳаётидан огоҳ бўлмоқ керак эди.

Бинобарин, миллат учун шундай ойна керак эдики, унда у ўз қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам кўра олсин.

---

\* Бехбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар.-Т.: Маънавий, 1999.-Б.20.

Мана шу эҳтиёж ва зарурат Бехбудийни театр ва матбуот сари бошлади. «Падаркуш» шу тарика майдонга келди.

1911 йилда ёзилган «Падаркуш» драмаси 1913 йилдагина босилиб чиқади. Китоб жилдидаги «Бородино жанги ва Россиянинг французлар босқинидан халос бўлишининг юбилей санасига бағишланади», деган ёзув ва унинг Тифлис цензурасининг рухсати билан чоп этилиши шуни кўрсатадики, иш осон кўчмаган. Пьеса босилиб чиққандан кейин ҳам уни сахнага қўйиш учун яқин бир йил вақт кетди. Муаллиф бу ҳақдаги хатларга жавобан: «Ўйнатурган одам йўқ. Азбаски, Туркистонда бекор одам йўқки, халқ учун ишламаса. Бекор киши йўқки, театру сахнасига чиқиб, «масхарабозлик» қилса, деб ёзади.

«Падаркуш» - ўзбек драмачилигининг ҳамма якдил эътироф этган биринчи намунасидир. Мутахассислар уни ҳам жанр ҳам мазмунига кўра янги ўзбек адабиётини бошлаб берган бир асар сифатида баҳолайдилар. Муаллиф «Миллий фожиа» деб атаган 3 парда 4 манзарали бу драма ҳажман жуда ихчам, мазмунан ниҳоятда содда ва жўн. У жаҳолат ва нодонлик ҳақида, ўқимаган боланинг бузуқ йўлларга кириб, ўз отасини ўлдиргани ҳақида хикоя қилади. «Падаркуш» дастлаб Самарқандда 1914 йилнинг 15 январида сахнага қўйилади. «Халқ ниҳоят кўп келиб, белат етмагани ва жойни йўқлиги учун уч-тўрт юз киши қайтиб кетди»\*, деб ёзади маҳаллий матбуот.

Спектакль ўз маишатиға ўралиб дунёни унутган миллатдошларга чакмоқдек таъсир этди. Унда бой ролини Абдусалом Абдурахим ўғли ўйнаган эди. Бойни

---

\* «Ойна».-1914.-14-сон.-Б.190.

ҳамбоза (хуррак) ва уйкуси ҳамда ҳаракатидан аҳоли ихтиёрсиз ва фосиласиз куларди», ёзади тақризчи.

Айниқса, бойнинг ўз ўғли ёрдамида ўлдирилиб, мол-дунёсининг фахшу ишрат учун олиб кетилиши воқеалари кишиларни ларзага солган. Халққа ҳаддан зиёда таъсир этган.

Пьеса Тошкентда 1914 йилнинг 27 феввалида қўйилди. Абдулла Авлониининг «Турон» труппаси Коллизей (ҳозирги савдо биржаси биноси)да ўз фаолиятини мана шу «Падаркуш» билан бошлаган эди. Спектакль олдида машҳур Мунавварқори театрнинг жамият ҳаётидаги роли ва ўрни ҳақида нутқ сўзлайди. Бой ролини Абдулла Авлониининг ўзи ижро этади. Маҳаллий матбуот бу кунни «Тарихий кун» деб ёзади.

«Турон» труппаси 1914-16 йилларда бу спектакль билан бутун Фарғона водийсини айланиб чиқди. «Падаркуш» Туркистонни жунбушга келтирган қирғинбарот инқилоб йилларида ҳам сахнадан тушмади. Бир томондан, миллатни маърифат ва тараққиёт сари ундашда буюк роль ўйнаган бўлса, иккинчи ёқдан, профессионал ўзбек театри ва драмачилигининг майдонга келиши ҳамда тараққиётида муҳим хизмат қилди.

Драманинг биргина ўзбек эмас, татар, озарбайжон театрчилигига ҳам таъсири ҳақида гапириш мумкин.

Туркистонда шу йиллари Заки Боязидский, Алиасқар Асқаров, Сидқий Руқило, Илёсбек Ошқозорский каби кўплаб қардош режиссёрлар фаолият кўрсатганлар.

1913 йилда Бехбудий матбуот ишлари билан шуғулланади. Априлдан «Самарқанд» газетасини чиқаради. Газета туркий ва форсий тилларда, ҳафтада икки марта, дастлаб икки, сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. 45 та сонидан кейин моддий танқислик туфайли

чиқиши тўхтаган. Ўша йилнинг 20 августидан у «Ойна» журналини чиқара бошлайди. Бу суратли ҳафталик мажалла, асосан ўзбек тилида бўлиб, унда ихчам форсий шеър, мақоллар, русча эълонлар биринчи йилда ойига бир марта ва иккинчи йилдан эътиборан 15 кунда бир марта чиқиб, йигирма ой чамаси давом қилди...

«Ойна» Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркиягача тарқалиб жаҳидларнинг севиқли журналларига айланган эди. «Шунинг учун улар томонидан ҳурматланди, севиб ўқилди», деб ёзган эди журнал ҳақида Зиё Саид.

Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг қисқа умри давомида бутун бир кучини ўз халқи ва миллатининг маърифатли бўлишига, миллат маданиятини, динини, тилини ва тарихини сақлаб қолишга ҳаракат қилиб яшаган.

### **«Падаркуш» драмасининг қисқача мазмуни**

«Падаркуш» драмаси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижодида муҳим аҳамиятга эга. Бу асарнинг қаҳрамони орқа-олдини ўйламаган бойнинг ўғли Тошмуроддир. Бехбудий бу асарда жаҳолат ва нодонлик ҳақида, ўқимаган боланинг бузуқ йўлларга кириб, ўз отасини ўлдиргани ҳақида хикоя қилади. Бой атрофидагиларнинг гапига кирмайди, ўғлини ўқитмайди, оқибатда у кўчада безориларга қўшилади. Ресторанда маишатга пули етмай, шерикларини тунда уйига бошлаб келади. Бой уйғониб, уларни сезиб қолади, лекин уни ўлдириб, пулини олиб кетадилар. Жаҳолат ва нодонлик отанинг ҳам боланинг ҳам бошига етади. Агар бутун миллат шу аҳволга тушса-чи?!

Драма ўз маишатида ўралиб дунёни унутган миллатдошларга чакмоқдек таъсир этади. Асарда муаллиф

Ўзининг севимли мавзуси - барчани илм-маърифатли бўлишга чақириб, илмсизлик балосини қаламга олган.

### **Асар муҳокамаси учун тахминий саволлар**

1. «Падаркуш»нинг ғоявий мазмуни нималардан иборат?
2. Тошмурод образига характеристика беринг?
3. Бой образи ҳақида нималар дея оласиз?
4. Драманинг бадиий ва тарбиявий аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг?
5. Асарда қайси мавзу асос қилиб олинган?
6. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг асар қаҳрамон-ларини ифода этишдаги маҳорати?

### **Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Мунтахаби жуғрофияи умумий” асари ҳақида**

“Мунтахаби жуғрофияи умумий” асарининг тўла номи “Китоби мунтахаби жуғрофияи ва намунаи жуғрофия”. Бу асар 1905 йил 25 августда Санкт-Петербург цензурасидан рухсат олиниб 1906 йил Самарқандда Г.И.Демуров матбаасида чоп этилган. 106 саҳифадан иборат. Муаллиф бу “Қадим фан”га тааллуқли “туркий, арабий, форсий, русий луғатларга тасниф бўлган ўттуз қадар қадим ва жаид кутуб ва рисоили жуғрофия, ҳайъати риёзий, тарихий, табиий”лардан ва яна жуда кўп турли-туман маълумот-манбалардан фойдаланиб ёзганини қайд қилади.

Бехбудийнинг “Мунтахаби жуғрофияи умумий” (қисқача умумий география деган маънодаги) асари, “Жуғрофия деган сўз юноний, луғати арабийга таърифи ард маъносиға, яъни ер ва туфрокни баён қилатурғон илмни айтилури”, изоҳ беради муаллиф, сўнг Бехбудий унинг турларига тўхтади. “Чунончи,-ёзади у,-ерни

шаклдан, осмон ила Ер аросидаги хосияти ва осмондаги нимарсалар ила нисбати ва ҳаракатидан баён қилатурғон илмни “жуғрофияи риёзий”, Ерни хосияти, тупроқ пасту баландлиги, ҳар хил гиёҳу конлари, тоғдарё, кўл, мижозу ҳавосидин баҳс қилатурғон илмни “жуғрофияи табиий” аталадур”.

Китобнинг дастлабки саҳифаларида жуғрофиянинг фан сифатида майдонга келиш тарихи қадим Туркистон олимларининг бу соҳадаги хизматлари ёритилади, асарлари келтирилади. Бобларнинг бири: “Жуғрофияни ўқимоқ мусулмонларга лозимдур” деб аталган эди.

### **Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» асари бўйича китобхонлар конференцияси ўтказиш йўл-йўриғи**

Ушбу драма бўйича китобхонлар конференцияси ўтказиш катта тайёргарлик ишларини талаб этади. Конференцияга тайёргарлик 1-2 ой олдин бошланади. Кутубхонада эълон ёзилади. Иштирок этувчи китобхонларга таклифномалар юборилади. Конференция учун аудитория тайёрланади. Ёзувчининг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб кўргазмаси ташкил қилинади. Конференцияни кутубхоначи ёки фаол китобхонлардан бири олиб бориши мумкин. Асар ҳақида китобхонлар билан яқка тартибда ёки гуруҳ тарзида суҳбатлар ўтказилади. Шунингдек, улардан конференция пайтида фаол иштирок этишлари, асар ҳақидаги ўз мулоҳазаларини билдиришлари сўралади.

Конференция янада қизиқарли ўтиши учун Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси орқали уни яқиндан биладиган ижодкор дўстларини, адабиётшунос олимларни таклиф қилиш мумкин.

Қуйида яна Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти, ижодий фаолиятига бағишлаб ўтказиш мумкин бўлган тadbирларнинг шакллари, тахминий мавзулари, иштирокчилар тўғрисида маълумотлар берилмоқда.

| №  | Тadbирлар номи                                                                      | Шакли                                               | Қатнашувчилар                                         |
|----|-------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------|-------------------------------------------------------|
| 1. | “Маҳмудхўжа Бехбудий ижодининг аҳамияти”<br>«Маҳмудхўжа Бехбудийнинг адабий мероси» | Илмий конференция<br>Адабиётлар кўргазмаси          | Педагоглар, адабиётшунослар, талабалар                |
| 2. | “Бехбудий ижоди ва ёшлар”                                                           | Давра суҳбати                                       | Талабалар, мактаб ўқувчилари, кенг китобхонлар оммаси |
| 3. | “Бехбудий ва жадидчилик ҳаракати”<br>«Ҳақиқатнинг туташ манзили»                    | Китобхонлар конференцияси.<br>Адабиётлар кўргазмаси | Адабиётшунослар, тарихчилар, кенг китобхонлар оммаси  |

|    |                                                                                                               |                                                                               |                                                                                                 |
|----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 4. | Маҳмудхўжа<br>Бехбудийнинг<br>“Падаркуш” драмаси,<br>унинг тарбиявий<br>аҳамияти «Инсон<br>бўлиб қолиш керак» | Давра<br>суҳбати.<br>Адабиётлар<br>кўргазмаси                                 | Адабиётшун<br>ослар,<br>тарихчи лар,<br>кенг<br>китобхон-<br>лар оммаси                         |
| 5. | Бехбудийни<br>биласизми?<br>«Маърифат жарчиси»                                                                | Савол-<br>жавоб<br>кечаси<br>Адабиёт-<br>лар<br>кўргазма-<br>си               | - “ “ -                                                                                         |
| 6. | “Падаркуш” драмаси<br>ҳақида «Маънавият,<br>қадрият ва бадиият»                                               | Китобхон-<br>лар<br>конферен-<br>цияси.<br>Адабиёт-<br>лар<br>кўргазма-<br>си |                                                                                                 |
| 7. | “Бехбудий ва театр”<br>«Истиклол<br>қаҳрамони»                                                                | Адабий-<br>муסיкий<br>кеча<br>Адабиёт-<br>лар<br>кўргазма-<br>си              | Кенг<br>китобхон-<br>лар оммаси,<br>адабиётшу-<br>нослар ва<br>артистлар,<br>санъатшуно<br>слар |

|    |                                                                  |                                                        |         |
|----|------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------|---------|
| 8. | “Бехбудий<br>маърифатпарвар<br>адиб”                             | Адабиёт-<br>лар<br>кўргазма-<br>си                     | - “ “ - |
| 9. | “Бехбудийни<br>хотирлаб” «Бехбудий<br>яратган асарлар<br>хақида» | Давра<br>суҳбати<br>Адабиёт-<br>лар<br>кўргазма-<br>си | - “ “ - |
| 10 | “Бехбудий<br>асарларини<br>ўрганамиз”                            | Адабиёт-<br>лар<br>кўргазма-<br>си                     | - “ “ - |

## Адабиётлар

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.- Т.: Шарқ, 1998.-31 б.

Каримов И.А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди:Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанада сўзланган нутқ.-Т.: Ўзбекистон, 1992.-31 б.

Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.- Т.: Ўзбекистон, 1992.-62 б.

Абдурахимжонов Мунаввар Қори. Хотираларидан: (жадидлар тарихидан лавҳа).-Т.: Шарқ, 2001.-128 б.

Абдурахмонов Ғ. Бехбудий ва унинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги хизматлари //Ўзбек тили ва адабиёти.-1995.-№3.-Б.7-11.

Авазов Н. Публицистнинг руҳий олами: Бехбудий таваллудининг 120 йиллигига //Гулистон.-1994.-№4.-Б.55-56.

Азимова Ҳ. Миллий ғоя - жадид драматургиясининг асоси //Тафаккур. -2000.-№2.-Б.83-84.

Алиева А.Маҳмудхўжа Бехбудий таълим-тарбия хусусида //Маърифат.-1993.- 16 июнь.

Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадиият.-Т.: Академия, 2000.- 631б.

Алимова Д. Ҳақиқатнинг туташ манзили //Тафаккур.-2000.-№2.-Б.54.

Алимова Д.А., Рашидова Д.А. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури/ЎзР Президенти ҳузур.Дав.ва жам.кур.акад.-Т.:Академия,1999.-53б.

Ашурова Ш. Бехбудийнинг қабри қаерда? //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2002.-9 авг.

Ахророва З. Бехбудий авлодлари //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1994.-26 авг.

Ахророва З. Ўзларин имтиҳон қилиб кўрсалар: Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида// Маърифат.-1993.- 8дек.

Бехбудий Маҳмудхўжа. Боласини ўқитмай тўй берган бойлар: ёхуд 80 йил муқаддам ёзилган мақоланинг бугунги аҳамияти //Маърифат.-1998.-2 дек.

Бехбудий Маҳмудхўжа. Икки эмас, тўрт тил лозим: «Ойина» журналининг 1993 йил 1-сонидан олиб босилган /Шухрат Ризо нашрга тайёрлаган //Тафаккур.-1994.- 1-сон.-Б.81.

Бехбудий Маҳмудхўжа. Исмоилбек ҳазратлари ила суҳбат //Фан ва турмуш.-1990.-№4.-Б. 20.

Бехбудий Маҳмудхўжа. Истиклол қаҳрамони: [“Маънавият”нашрлари хусусида] //Ёзувчи.-1998.-16 сент.

Бехбудий Маҳмудхўжа.Китобат ул-атфол/ Нашрга тайёрловчилар: Надимхон Бехбудий ва З.Ахророва //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1994.- 26 авг.

Бехбудий Маҳмудхўжа.Падаркуш: (3 пардали 4 манзарали, миллий биринчи фожиадир) //Шарқ юлдузи.-1989.-№ 7.-Б. 150-155.

Бехбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар /Нашрга тайёрловчи, тўпловчи, сўзбоши ва изоҳ муаллифи Б.Қосимов.-Т.: Маънавият,1997.-232 б.- (Адабий-бадий нашр).- (Истиклол қаҳрамонлари).

Бехбудий Маҳмудхўжа. “Саёҳат хотиралари” дан //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1994.-30 сент.- (1914 йил “Ойна” журналининг биринчи сонидан).

Бехбудий Маҳмудхўжа (1875-1918)//Мирвалиев С.Ўзбек адиблари:(ихчам адабий портретлар).-Т.,1993.- Б.10-12.

Бехбудий Маҳмудхўжа //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2- жилд. Бешик-Гидрофизика. / Таҳрир ҳайъати: М. Аминов, Б. Ахмедов, Ҳ. Бобоев ва бошқ. - Т.: « Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашрети, 2001.-Б.8 - 9.

Дўстқораев Б. “Падаркуш”нинг ғаройиб саргузашти, ёхуд Маҳмудхўжа Бехбудий Тифлидаги идорага мурожаат қилганми? //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2002.-11 янв.

Жабборов Н. Ҳақиқий жаҳонгир ким? [Маҳмудхўжа Бехбудий ва Амур Темур ҳақидаги асарлар] //Фидокор.-2003.-20 май.

Иброҳим Ғафур. “Амир нега Бехбудийга қўл бермади?” //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1994.-6 май.

Каримов Н. Бехбудий Хельсинкида бўлганми? [Асримизнинг 10-йилларида жадиdlарни Хельсинки билан боғланган ришталар] //Хуррият .-1998.-3 июнь.

Каримов Н. Бехбудий ҳазратларининг телефони// Ватан.-1994.-21 сент.

Каттабоев Ғ. Жадид драмаси: Истиқлол орзуси //Соғлом авлод учун.-1998.-№8-9.-Б.6-7.

Мажидов Ғ. Жадидлар қолдирган мерос //Фан ва турмуш.-1997.-№5.-Б.32.

Мажидов Ғ. Озодлик қайғуси //Ёшлик.-2001.-№5-6.-Б.1-2.

Маънавият юлдузлари /Масъул муҳаррир М.М.Ҳайруллаев.-Т.: Абдулла Қодирий нашриёти,1999.-400 б.

Маърифатпарвар адиб. [Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректор муовини Шухрат Ғойибназаров билан суҳбат] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1995.-21 апр.

Маҳмудов Ғ. Миллий мустақиллик йўлларида  
//Мулоқот.-1999.-№4.-Б.41-42.

Миллий уйғониш жарчиси. [Филология фанлари  
доктори Наим Каримов билан суҳбат] //Ўзбекистон  
овози.-1995.-18 апр.

Мирвалиев С. Ўзбек адиблари:XX аср ўзбек  
адабиёти: Ўқув кўлл./ Масъул муҳаррир: Н. Каримов.-  
Т.:Ёзувчи, 2000.-280 б.

Раҳмат Нусрат. Бехбудий муфти либосида  
//Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2002.-30 авг.

Сайид Ҳамро. Маърифат ёғдусидаги озодлик:  
[Туркистон жадидларининг вакили М.Бехбудийнинг 125  
йиллигига] //Маърифат.-2000.-19 янв.

Сайид Ҳамро. Маърифат либосидаги озодлик:  
[Улуғ маърифатпарвар - Маҳмудхўжа Бехбудий  
таваллудининг 125 йиллигига] Т.: Шарқ, 2000.-157 б.-  
("Маърифат" кутубхонаси).

Турдиев Ш. Маҳмудхўжа Бехбудий//Мулоқот.-  
1994.-№ 3-4.-Б.44-48.

Турдикулов М. «Амир нега Бехбудийга кўл  
бермади?»: (Маҳмудхўжа Бехбудийни Бухоро амири  
СаидОлимхон ўзининг ашаддий душмани деб  
билиб,буюк мутафаккир Амир Олимхон одамлари  
томонидан қатл этилгани ҳақида)//Ўзбекистон адабиёти  
ва санъати. -1994.-8июль.

Тўйчиев Абдусамад. Жадид қаҳрамонининг  
насрга кириб келиши// Шарқ юлдузи.-2000.-№1.-Б.154-  
155.

Тўлабоев О. Бехбудий ва Жомий //Мозийдан  
садо.-2002.-№4.-Б.38-39.

Худойкулов М. Жадидлар ҳажвиёти //Соғлом  
авлод учун.-1997.-№12.-Б.22-24.

Худоёров Н. Миллий ўзликни англашда жадидлар роли //Фан ва турмуш.-1999.-№3.-Б.23.

Шамсутдинов Р. Истиклол йўлида шаҳид кетганлар /Масъул муҳаррир Н.Каримов.-Т.: Шарқ, 2001.- 416 б.

Қосимов Б. Бехбудийнинг қабри қаерда?: (Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 120 йиллиги олдида) //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1994.-30 сент.

Қосимов Б. Ҳожи Муин қисмати //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2002.-19 июль.

Ҳасанов Б. Жадидчилик ва миллий мустақиллик //Фан ва турмуш.-1998.-№6.-Б.27.

Ҳамроев Ф. “Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар!:[Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида] //Ўзбекистон овози.-2000. - 9 май.

Ҳотамов Ғ. Маърифатпарварлар армони //Соғлом авлод учун.-2000-№12.-Б.34-37.

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_\_ 2004 йил  
Бичими \_\_\_\_ нашр. т. \_\_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_

---

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33.  
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди